



МЕДИА АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ ИЖТИМОЙ МУНОСАБАТЛАРГА ТАЪСИРИ

Раҳмонов Абборбек Рустамович

*Фалсафа фанлари доктори (PhD) Наманган давлат университети мустақил
тадқиқотчи тел: (99) 603 15 86 e-mail: turktili2024@gmail.com*

Аннотация: *Замонавий медиа воситалари фан ва техниканинг тараққий этиши натижасида ижтимоий муносабатлар тизимининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Глобаллашув натижасида медиа воситалари нафақат ахборот тарқатувчи ёки ишлаб чиқарувчи восита балки жамиятда ижтимоий онг, миллий қадрият ва анъаналар, ватанпарварлик ва миллий ўзлик ҳисларини шакллантирувчи ижтимоий институт сифатида намоён бўлмоқда. Тадқиқот ишида ижтимоий муносабат ва унинг турлари, медиа воситаларининг ижтимоий муносабатларга таъсири комплекс ва назарий жиҳатдан таҳлил қилинди. Натижада илмий жиҳатдан ёндашувлар асосида жамиятда медиа маконни ривожлантириш, аҳолининг медиа саводхонлик даражасини ошириш ҳамда миллий медиа маҳсулотларни яратиш бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадқиқот ишидан олий таълим муассасалари талабалари, педагог ва устозлар, журналистика ва медиа соҳасида фаолият олиб бораётган соҳа вакиллари ҳамда медиа ва ОАВ йўналишида илмий изланиш олиб бораётган тадқиқотчилар фойдаланиши мумкин.*

Калит сўзлар: *Ижтимоий муносабат, жамият, медиа, ОАВ, ижтимоий тармоқ, ахборот, ижтимоий институт, менталитет, миллий қадрият, миллий контент, медиа саводхонлик.*

ВЛИЯНИЕ СРЕДСТВ МАССОВОЙ ИНФОРМАЦИИ НА СОЦИАЛЬНЫЕ ОТНОШЕНИЯ

Аннотация: *В результате развития науки и техники современные средства массовой информации становятся неотъемлемой частью системы социальных отношений. Вследствие глобализации СМИ выступают не только как средство распространения или производства информации, но и как социальный институт, формирующий общественное сознание, национальные ценности и традиции, патриотизм и чувство национальной идентичности в обществе. В исследовательской работе всесторонне и теоретически проанализированы социальные отношения и их типы, влияние средств массовой информации на социальные отношения. В результате разработаны практические рекомендации на основе научных подходов к развитию медиaprостранства в обществе, повышению уровня медиаграмотности населения и созданию национальных*



медиапродуктов. Данная исследовательская работа может быть полезна студентам высших учебных заведений, преподавателям и наставникам, представителям отрасли, работающим в сфере журналистики и СМИ, а также исследователям, проводящим научные исследования в области СМИ и средств массовой информации.

Ключевые слова: Социальное отношение, общество, СМИ, средства массовой информации, социальная сеть, информация, социальный институт, менталитет, национальные ценности, национальный контент, медиаграмотность.

THE IMPACT OF MEDIA ON SOCIAL RELATIONS

Annotation: Modern media are becoming an integral part of the system of social relations as a result of the development of science and technology. As a result of globalization, media are emerging not only as a means of disseminating or producing information, but also as a social institution that forms social consciousness, national values and traditions, patriotism and a sense of national identity in society. The research work comprehensively and theoretically analyzed social relations and their types, the impact of media on social relations. As a result, practical recommendations were developed on the basis of scientific approaches to develop the media space in society, increase the level of media literacy of the population, and create national media products. The research work can be used by students of higher education institutions, teachers and mentors, representatives of the field working in the field of journalism and media, and researchers conducting scientific research in the field of media and mass media.

Key words: Social attitude, society, media, mass media, social network, information, social institution, mentality, national value, national content, media literacy.

КИРИШ (INTRODUCTION)

XXI асрда медиа ва ОАВ нинг ривожланиши ва тараққий этиши ўзига хос динамик усулда кенгай бошлади. Авваллари медиа воситалари янгиликлардан хабардор қилувчи, ахборот етказувчи восита сифатида фаолият юритган бўлса, бугунги кунда жамиятни ҳаракатга келтирувчи, инсонлар дунёқарашини шакллантирувчи ҳамда уларни чексиз ахборот оқими билан таъминловчи манба сифатида намоён бўлмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири фан ва технологиянинг ривожланиши, ижтимоий тармоқларнинг оммалашуви ва жамиятдаги барча соҳаларнинг бир бири билан интеграциялашуви натижасидир.

Табиатда инсонлар дунёга келиши билан оила, маҳалла, таълим муассасалари, ОАВ ва бошқа институтлар билан ижтимоий муносабатларга киришади. Бу муносабатлар уларнинг келажакда дунёқарашини, эътиқодини, хулқ-атвори ва жамиятда тутган ўрнини белгилаб беради. Савол туғилади. Ижтимоий муносабатларнинг қандай турлари мавжуд? Медиа ахборот воситаларининг ижтимоий муносабатларга ижобий ва салбий таъсири



нималардан иборат? Тадқиқот ишида келтирилган саволларни ижтимоий фалсафий жиҳатдан таҳлил қилиш билан бирга медиа воситаларининг мамлакат тараққиёти ва шахс ижтимоийлашувидаги роли очиб берилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили (Literature review). Медиа ва ахборот коммуникация воситалари, медиа саводхонлик ва уларнинг ижтимоий муносабатларга, жамият ривожига, давлатнинг халқаро имижига таъсири ва самараси бўйича бугунги кунга қадар кўплаб рус ва маҳаллий олимлар илмий изланишлар, тадқиқот ишлари ва кузатишлар олиб борилган.

Жумладан, рус тадқиқотчиси Р.А. Дукин ўзининг “Ижтимоий медиа институти минтақавий алоқа маконида” [1, 14-24] номли диссертация ишида ижтимоий медиани жамиятда ижтимоий институт сифатидаги ўрни, вазифаси ва функциясини ёритиб ўтган бўлса, тадқиқотчи Чень Ди “ижтимоий медианинг жамиятдаги ижтимоий сиёсий муаммоларини ечишдаги роли ва аҳамияти” [2, 12-70] мавзусида илмий изланиш олиб бориб унда ижтимоий медиа тушунчаси, ривожланиш босқичлари ҳамда унинг ҳукумат ва жамият ўртасида алоқани таъминловчи восита эканлигини ўрганган.

Маҳаллий тадқиқотчилар Б. Намазов, М. Файзиева ва Ш. Шарофиддиновлар “Медиа ва ахборот саводхонлиги” [3, 12-86] номли қўлланмасида жамиятдаги медиа ва ахборот саводхонлик даражаси, медиа контент яратиш ва ундан тўғри фойдаланиш бўйича изланишлар олиб бориб амалий тавсиялар ишлаб чиққан.

Адабиётларни ўрганиш ва таҳлил қилиш натижаси шуни кўрсатмоқдаки медиа воситаларининг ижтимоий муносабатларга таъсири бугунги кунга қадар ижтимоий фалсафа призмасида ўрганилмаган. Натижада мавзуни давом эттириш ва унинг ижобий ва салбий таъсирларини таҳлил қилишга зарурият туғдиради.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology). Тадқиқот ишида илмий билишнинг анализ, синтез, дедукция, индукция, тарихийлик, мантиқийлик, моделлаштириш, ретроспектив ва герменевтик талқин, тизимли таҳлил методларидан фойдаланилди. Тадқиқот методологияси медиа ва унинг ижтимоий фалсафий концепцияларини маъно мазмунини аниқлашда, медианинг жамият ривожига таъсирини очиб беришда хизмат қилади.

Таҳлил ва натижалар (Analysis and results). Буюк рус адабиётшуноси, назарийчи Белинский Виссарион Григорьевич (ваф.1848) нинг машҳур иборасига кўра “Инсонни табиат яратган, уни шакллантирувчи ва ривожлантирувчи куч жамиятдир” [4, 161]. Инсон дунёга келганида биологик мавжудот сифатида фақатгина нафас олади ва озикланади, унинг нутқи, ахлоқи ва дунёқараши аста секинлик билан жамиятда ижтимоий муносабатларга кириши натижасида шаклланади. Унинг шахс сифатида шаклланиши жамиятда



оила, мактаб, ОАВ, диний уюшмалар ва бошқа ижтимоий институтларнинг таъсири натижасида содир бўлади.

Америкалик социолог Толкотт Парсонс (ваф.1979) ўзининг “Тизимли ёндашув” назариясида “Жамиятда ҳеч ким якка ҳолда ҳаракат қилмайди, барча ўз ҳаракатларини бошқаларга қараб мослайди ва ўзгалар ҳаракатига таъсир ўтказди. Жамиятда бундай таъсир ўтказиш ижтимоий муносабатлар тизими деб айтилади” [5, 9] дея таъкидлаган. Содда қилиб айтганда оиладаги ижтимоий муносабатлар тизимини олиб қарасак. Ота оиланинг таъминотчиси ва хавфсизлигига жавобгар шахс, она уй рўзғор ва тарбия ишларига масъул, фарзандлар таълим тарбия ва ва ҳунар ўрганиш билан банд. Ота-онанинг ҳаракати болалар эҳтиёжини қондиришга қаратилган, боланинг сифатли таълим олиши ота-онанинг назорати билан белгиланади. Оиладаги барчанинг ҳаракати бир бири билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, якка ҳолда эмас ўзаро таъсир натижасида пайдо бўлади. Бундай таъсир кўрсатишлар йиғиндиси ижтимоий муносабатлар тизими деб аталади.

Рус миллатининг диний ва сиёсий соҳадаги файласуфи, социолог Бердяев Николай Александрович (ваф.1948) ўзининг “Руҳият ва борлиқ” номли асарида ижтимоий муносабатларни бевосита инсоннинг руҳиятига боғлайди. Унга кўра “Инсон руҳиятининг фаол ёки пасив бўлиши унинг ижтимоий ҳаётда одамлар билан ижтимоий муносабатлар қура олишига боғлиқ. Агар инсон жамиятдаги воқеа ва ҳодисаларга аралашмаса ёки уларни ўзгармас воқеалик сифатида қабул қилса унинг руҳияти заиф бўлади” [6, 345]. Келтирилган иборани фалсафий жиҳатдан таҳлил қилсак. Мисол учун таълим муассасасида талабалар билан машғулот ўтилмоқда. Машғулот жараёнида тушунарсиз, жумбоқли масала ўртага чиқди. Агарда талаба тушунмаган нарсасини устозидан, бошқа ўқувчилардан сўраса, баҳс мунозара қилиб ижтимоий муносабатга киришса унинг руҳияти фаол даражага чиқади. Аксинча “қолганлар ҳам тушунмаябди, ўзлари билмаган нарсани қандай қилиб менга тушунтиришади” қабилида иш тутса ёки атрофидагилар билан ижтимоий муносабатга киришмаса унинг руҳияти заифлашади ва хиралашади.

Жамиятда ижтимоий муносабатлар шаклланишида медиа воситаларининг ўрни ва аҳамияти муҳим саналади. Инсонлар ўртасида ижтимоий муносабатлар нафақат мулоқот орқали балки бугунги кундаги замонавий ОАВ ва ОКВ (оммавий коммуникация воситалари) билан амалга ошмоқда.

Америкалик сиёсатчи Малкольм Литтл (ваф. 1965) бундан бир неча йиллар олдинги омма олдидаги чиқишларидан бирида медиа ҳақида шундай деган эди “Медиа ер юзидаги энг кучли ташкилотдир. Улар бегуноҳларни айбдор, айбдорларни эса бегуноҳ қилишлари мумкин ва бу уларнинг кучи. Чунки улар омма онгини бошқаради” [11].



Фан ва техниканинг ривожланиши натижасида бугунги кунда медиа воситалари ижтимоий муносабатларни шакллантирувчи, бошқарувчи ва назорат қилувчи механизмга айланиб бормоқда.

Мисол учун жамиятнинг фаол ва асосий қатлами бўлган ёшларни олиб қарасак. Ёшлар сўнги йилларда медиа контент ишлаб чиқарувчи ва ижтимоий тармоқ платформаларининг асосий фойдаланувчисига айланиб бормоқда. Улар орасидан блогерларни чиқиши ва медиа орқали ўз вайнларини намоиш қилмоқда. Ёшлар ушбу вайнлар орқали уларнинг кийинишига, овқатланишига ва юриш туришига тақлид қилади. Натижада медиа орқали муносабатлар ва қадриятлар шаклланимоқда.

Яна бир мисол медианинг жамиятни назорат қилиши бўйича. Жамиятда кимдир ноқонуний фаолият билан жазога тортилди. Айтайлик коррупция ёки йўл ҳаракат қоидаларини кўпол равишда бузиш. Медиа воситалари орқали бундай ҳолат оммага намоиш қилинади. Натижада жамият аъзолари айбдорларни қоралайди ва уларга нисбатан ўзининг салбий фикрини билдиради. Бу эса қолганларни ҳам ҳушёр бўлишга ва қонун қоидаларга амал қилишга чорлайди.

Содда қилиб айтганда медиа воситалари жамиятда инсонлар ўртасидаги ижтимоий муносабатларни шакллантирувчи ижтимоий институтдир. Ижтимоий муносабатлар-одамлар ўртасидаги турли алоқалар бўлиб, уларнинг биргаликдаги моддий ва маънавий фаолияти натижасида қарор топади” [7, 149].

Ижтимоий муносабатлар моддий ва маънавий муносабатларга бўлиниб моддий ижтимоий муносабатлар инсоннинг кундалик эҳтиёжи ва талабидан келиб чиқиб инсонлар билан ўзаро муносабат қуриши натижасида пайдо бўлади. Яъни кўз билан кўриб қўл билан ушлаб бўладиган нарсаларга эришиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар. Жумладан:

Иқтисодий муносабатлар; Жамиятнинг турли соҳаларида инсонларнинг пул билан боғлиқ бўлган ўзаро муносабатлари тушунилади. Мисол учун деҳқон ўзи етиштирган маҳсулотни бозорга олиб бориб сотади эвазига пул олади, завод, фабрика эгаси ишчиларни ишлатади ва маош тўлайди, фуқаролар давлатга солиқ тўлайди эвазига давлатнинг ижтимоий соҳаси ривожланади.

Ижтимоий ҳимоя муносабатлари; Одатда давлат ва фуқаролар ўртасидаги муносабатлар тушунилади. Жамиятдаги ёрдамга муҳтож қатламнинг эҳтиёж ва заруриятларини таъминловчи муносабатлар йиғиндиси дир. Бепул таълим олиш, ёрдамга муҳтож қатламга ёрдам кўрсатиш, уй-жой билан таъминлаш, озиқ овқат, кийим кечак ва бошқа турли кўринишдаги ёрдамлар тушунилади;

Истеъмол муносабатлари; Сотувчи ва харидор ёки хизмат кўрсатувчи ва истеъмолчи орасидаги муносабатлар тушунилади. Мисол учун дўконга кирган инсон сотувчи билан, транспортдаги йўловчи харидор билан, талаба устоз билан



муносабат ўрнатади. Натижада бири истеъмомли иккинчиси ишлаб чиқарувчига айланади.

Меҳнат муносабатлари; Жамиятда инсонларнинг меҳнат қилиши ва қилган меҳнати эвазига маош (ҳақ) олиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар тушунилади. Мисол учун қурувчи фирмада ишлайди фирма эгаси унга маош тўлайди, ўқитувчи ўқувчиларга дарс беради давлат унга маош тўлайди, Шифокор беморни даволайди давлат унга маош тўлайди.

Маънавий ижтимоий муносабатлар асосан инсоннинг билими, дунёқараши, таълим-тарбияси ва тафаккури билан боғлиқ бўлган муносабатлар тушунилади. Хусусан:

Маънавий маърифий муносабатлар; Инсоннинг келажакда, ахлоқли ва маданиятли шахс бўлиб шаклланишига замин яратувчи муносабатлар киради. Мисол учун оилада ота-онанинг фарзандини одобли, тарбияли қилиб вояга етказиши учун фарзанди билан ўртасидаги муносабат, ўқитувчининг ўқувчига билим бериши билан боғлиқ муносабатлар, кишиларнинг масжид ва мадрасаларга боргандаги муносабатлари ёки ОАВ даги маърифий теледастурларни томоша қилиши каби муносабатлар тушунилади.

Сиёсий муносабатлар; Жамиятнинг сиёсий соҳасидаги жараёнлар билан бевосита боғлиқ бўлган муносабатлар тушунилади. Мисол учун сайлов жараёнларида иштирок этиш, сиёсий партиялар ва уларнинг фаолияти билан танишиш, сиёсий дастурларда иштирок этиш ёки сиёсий билимларни ошириш каби муносабатлар тушунилади.

Оилавий маънавий муносабатлар; Ота-онанинг фарзандни тарбиялаш, уни билимли иймонли ва эътиқодли қилиш йўлидаги фаолияти тушунилади. Бунга фарзандига салом беришни ўргатишдан бошлаб, ёлғон гапирмаслик, каттага ҳурматда кичикка иззат бўлиш ҳамда келажакда билимли, ахлоқли шахс бўлиб улғайиши билан боғлиқ бўлган муносабатлар тушунилади.

Диний маънавий муносабатлар; Инсонлари яхшиликка етакловчи, бировнинг дилини оғритмаслик, ҳалоллик, тоза ва пок юришга чорловчи, ота-онани ҳурмат қилишлик каби эзгу амалларни бажаришга ундовчи муносабатлар тизимига айтилади. Диний муносабатлар орқали ҳар қандай инсон руҳан покланиши ва қалбан хотиржамликка эришади.

Медиа ахборот воситалари жамиятда инсонлар ўртасидаги ўзаро ижтимоий муносабатларга таъсири кенг қўламли ва таъсирчан характерга эга. Глобаллашув натижасида медиа воситалари бугунги кунда инсонларни билимли, ахлоқли, жамият учун керакли шахс сифатида шаклланишига таъсир кўрсатиши билан бирга ёлғон ва фейк ахборотларни тарқатувчи, тасдиқланмаган маълумотларни ошкор қилувчи восита сифатида ҳам намоён бўлмоқда. Аввало медиа воситалари ижтимоий муносабатларга ижобий таъсирини ёритиб ўтсак.



Фуқаролар медиа воситалари орқали таълим олиши, янгиликлардан хабардор бўлиш ва касб эгаси бўлишида кўмакдош бўлади; Сўнги пайтларда асосан ёшлар қатлами жамиятда медиа орқали онлайн билим олиши, репититорлик курсларига бориши, янгиликларни доимий кузатиб туриши оммалашиб бормоқда. Мисол учун “Ziyo.net” “Natlib.uz” “Dissercat.uz” маълумотлар базаси орқали керакли адабиёт ва қўлланмаларни топиши, “Kun.uz” “Daryo.uz” “Uzreport.uz” расмий ахборот сайтлари орқали дунёда ва минтақада кузатилаётган янгиликлардан хабардор бўлиши “Youtube” “Telegram” “Facebook” каби ижтимоий тармоқ платформаларида бирон бир касбни (одатда сартарошлик, ошпазлик, тикувчилик, IT дастурчи, блогерлик, электр жиҳозлари устаси, пайвандчи ва б.қ) эгаллаши мумкин. “Юнесконинг 2023 йилдаги, OECD ташкилотининг 2024 йилдаги маълумотларига кўра 16-25 ёшдаги ёшларнинг 75% дан ортиғи келажакда касб танлашда ижтимоий тармоқ ва онлайн ҳамжамиятларга таянади” [8, 148].

Миллатлараро тотувликни таъминлаш ва улар ўртасидаги ҳамжиҳатликни кучайтиради; Мамлакатда медиа воситалари миллат ва элатлар ўртасида тинчлик ва хотиржамликни сақлашда, аҳолини турли провокацион ахборотлар таъсирига тушиб қолишини олдини олишда ҳамда норасмий, ишончсиз ахборот манбаларидан фойдаланишни чеклашда муҳим омил саналади. Биргина мисол 2025 йил июн ойида Эрон ва Исроил давлатлари ўртасида вазиятнинг кескинлашуви кўплаб давлат фуқароларида ваҳима ва кўрқув ҳиссининг уйғотишга сабаб бўлди. Жумладан Ўзбекистон фуқароларида ҳам. Бундай вазиятда мамлакат ташқи ишлар вазирлиги медиа воситалари орқали расмий равишда чиқиш қилиб аҳолини хотиржам бўлишга, ҳеч қандай хавфсизликка таҳдид қилувчи кучлар йўқлигига ишонтирди. “Ўзбекистон икки мамлакат билан дипломатик муносабатларни давом эттирмоқда. Улар ўртасидаги қарама қаршилиқ бизнинг манфаатларимизга мос келмайди” [12].

Мамлакат санъати ва маданиятини танитиш, қадрият ва анъаналарни тарғиб қилишда иштирок этади; Бугунги глобаллашув шароитида миллий қадрият ва анъаналарни сақлаб қолиш, миллатларнинг маданияти ва санъатини тарғиб қилиш дунё давлатларининг кечиктириб бўлмас вазифаларидан бирига айланиб бормоқда. Бундай ишларни амалга ошириш учун медиа воситалари етакчи механизм сифатида шаклланмоқда. Сабаби бугунги кунда 7 ёшдан 70 ёшгача бўлган фуқароларнинг барчаси медиа маҳсулотларнинг истеъмолчиси саналади.

Сўнги йилларда медиа воситалари мамлакатда ўтказилаётган турли байрам ва фестивалларни, тадбиру маросимларни кунма-кун ёритиб бормоқда. Мисол учун Наврўз умумхалқ байрамини олиб қарасак. Байрамга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бутун мамлакат бўйлаб амалга оширилади. Вилоятларнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб қадрият ва анъаналарни, миллий рақс ва чиқишларини,



миллий таомлар ва спорт ўйинларини намойиш қиладилар. Медиа воситалари ўтказилаётган тадбирларнинг барчасини нафақат маҳаллий балки хорижий ОАВ ҳам ёритиб борилишини таъминлайди. Натижада жамиятда миллатлар ўртасида ўзаро тотувликнинг таъминланиши миллий ўзликнинг сақлаш ва ватанпарварлик туйғусини шакллантиришга эришилади.

Жамиятдаги ижтимоий муаммолар ҳал қилинишига самарали таъсир кўрсатади; Мамлакатда аҳолини ижтимоий қўллаб қувватлаш, уларни қийнаб келаётган муаммо ва қийинчиликларга ечим топишда медиа воситалари давлат ва фуқаролар ўртасидаги кўприк вазифасини бажариб келмоқда. Сабаби медиа давлат ва жамоат ташкилотларига, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларига халқнинг дардини етказиб берувчи ва унинг ижобий ҳал қилиниш механизминини назорат қилувчи ижтимоий институт ҳисобланади.

Фуқаролар ижтимоий муаммоларини ўрганиш, уларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида сўнги йилларда жамиятда хизмат кўрсатиш соҳаларининг рақамлаштирилиши, халқ қабулхоналари ва Президент порталининг ишга тушиши ҳамда “Миллар” “Kun.uz” “Daryo.uz” “Uz.report” каби теледастурлар ва ижтимоий тармоқлардаги блогерлар фаолияти оммалашиб бормоқда. Уларнинг асосий вазифаси ижтимоий масалаларга жамоатчилик диққатини жалб этиш, муаммоларни бартараф этиш бўйича қабул қилинган қарор ва фармойишлар ижросини назорат қилишдан иборат.

Медиа воситаларидан мақсадли ва самарали фойдаланмаслик ижтимоий муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Натижада жамиятда турли даражадаги нотўғри қараш ва тасаввурларнинг пайдо бўлиши, жамият хавфсизлиги ва барқарорлигига таҳдид солувчи хавфларнинг ошиши ҳамда аҳоли турмуш даражасининг ёмонлашуви кузатилади.

Медиа воситаларининг ижтимоий муносабатларга салбий таъсири:

Жамиятда инсонлар ўртасидаги реал мулоқотнинг камайиб кетиши; Ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиши натижасида бугунги кунда нафақат туман, шаҳар марказларида балки чекка чекка ҳудудларда ҳам интернет тармоғи сифати яхшиланмоқда. Деярли ҳар бир оилада ҳар кимнинг ўз телефони ёки смартфонни бор. Аксарият оилалар фақатгина бир бирларини кечки овқат ёки эрталабки нонушта вақтида кўрадилар. Шунда ҳам қўлларида телефон билан банд бўлиб реал мулоқотдан кўра кимлар биландир ёзишиб ёки ижтимоий тармоқ платформаларини кузатиш билан овора бўлишади. Медиа воситаларининг ривожланиб бориши натижасида жамиятдаги инсонлар жисмонан биргадек кўринсада руҳан узоқлашиб бораётганини кўришимиз мумкин. Кўча кўйда, автобус ёки метрода кўп ҳолларда гувоҳи бўламиз ёшлар қўлида смартфон ёки телефон билан банд бўлиб атрофдаги кексалар, ёш болали аёллар ёки ёрдамга муҳтож фуқароларни ўтириш учун жой қидираётганини, қўлидаги оғир юки билан қийналаётганини кўриш мумкин. Содда қилиб айтганда медиа воситаларга ортиқча қарамлилик инсонлар ўртасида бефарқлик



касалини кучайтиради. Рус тадқиқотчиси А.В. Соколов таъкидлаганидек “Электрон алоқа орқали мулоқот-диққатни жамлаш, интеллектуал қобилиятни пасайиши ва руҳий дангасаликни келтириб чиқаради” [9, 105-106].

Инсон шаъни ва қадр қиммати билан боғлиқ маълумотларнинг ошкор бўлиши; Фан ва техниканинг жадаллик билан ривожланиши ва замонавий медиа воситаларининг тараққий этиши натижасида ҳар қандай маълумот сониялар ичида бутун дунёга тарқалиши, кўплаб инсонларнинг фикр ва мулоҳазаларининг билдиришига сабаб бўлмоқда. Афсуски тарқатилаётган маълумотлар ичида кишиларнинг қадр қимматини камситувчи, шахсий дахлсизлигига путур етказувчи ахборотларнинг тарқалиши ҳам учраб турибди. Қонунчиликка кўра фуқаронинг шахсан розилигисиз уни расмга олиш, видео сёмка қилиш ёки ижтимоий тармоққа жойлаш қонун билан тақиқланган. Бироқ сўнги вақтларда ижтимоий тармоқларда инсон қадри билан боғлиқ бўлган турли салбий ҳолатларнинг тарқалиши кузатилмоқда.

Мисол учун ўқитувчининг мактабда ўқувчилар томонидан таҳқирланиши, айрим фуқароларни ахлоқсиз хатти-ҳаракатини тарқатиб юбориш билан кўрқитиб ундан пул талаб қилиш ёки кибер ҳужумлар натижасида фуқароларга катта миқдорда моддий зарар етказиш каби ҳолатлар учраб турибди. Натижада жабрланувчиларда руҳий ҳолатнинг бузилиши, депрессия, шахсий ҳаётнинг издан чиқиши ёки уларнинг жамиятдан ажраб қолиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ёлғон, сохта янгилик ва хабарларни тарқалиши; Инсоният умри давомида энг кўп истеъмол қиладиган маҳсулот ахборотдир. Ахборотнинг ишончли ёки ишончсизлиги, сохта ёки ёлғонлигидан қатъий назар инсонлар унга ҳар доим эҳтиёж ва зарурият сифатида қараб келади. Ёлғон ахборот тарқатиш тарихи қадим замонларга бориб тақалади. Ҳаттоки ёзувчи Абдулла Қодирий ўзининг “Ўтган кунлар” романида Отабек номидан Кумушга атаб ёзган ёлғон, сохта мактуб ҳам бунга мисол бўла олади. Бугунги кунда норасмий ахборот манбалари тугул расмий ахборот манбалари ҳам ёлғон, сохта янгиликларни тарқатиш ҳолатлари кузатилмоқда. Мисол учун “2019 йилнинг 13 март куни “Xabar.uz” ахборот сайти Ўзбекистон мусулмонлар идораси раиси муфтий Усмонхон Алимов домланинг вафот этганлигини эълон қилди. Орадан икки соат вақт ўтгач “davletov.uz” сайти бу янгилик дезинформация эканлигини айтиб чиқди” [10, 31]. Бироздан сўнг “UzA” ва “Kun.uz” расмий сайтлари ҳам ёлғон янгилик эканлигини тасдиқлади.

Медиа воситалари томонидан тарқатилган ёлғон, сохта янгиликлар жамиятда аввало барқарорликнинг издан чиқишига, инсонлар ўртасида ваҳима ва кўрқув ҳиссининг пайдо бўлишига, ахборот манбаларига нисбатан ишончсизликнинг пайдо бўлиши ҳамда жамиятда зўравонлик ва фирибгарлик ҳолатларининг ошиб кетишига сабаб бўлади.



Ёш авлоднинг маънавиятига бўлаётган салбий таъсирлар; Медиа воситаларининг тараққий этиши инсонларга кўплаб қулайлик ва имкониятлар эшигини очмоқда. Мисол учун онлайн савдо, онлайн тўловлар, масофадан таълим олиш ёки ҳужжатларни электрон шаклда олиш каби. Бироқ медианинг ижобий тарафлари билан бирга унинг жамиятдаги ижтимоий муносабатларга салбий таъсири ҳам афсуски жамиятда муаммо сифатида ўртага чиқмоқда. Мисол учун медианинг ёшлар маънавиятига бўлаётган салбий таъсири. Медиа воситалари томонидан сўнги пайтларда қадриятларимизга номуносиб бўлган, зўравонликни тарғиб қилувчи, ахлоқ қоидаларига зид видеолар оммалашиб бормоқда. Бундай саҳналар миллий ва хориж киноларида, савияси паст сериалларда, блогерларнинг вайнлари ёки бошқа турдаги медиа маҳсулотлар орасида кўпайиб бормоқда. Айниқса ёшларнинг бачкана қилиқлари, шилқимлик ёки ахлоқсизлик контентларини жозибадор қилиб кўрсатиш, само-суд (ўзича судлаш) ҳодисаларини адолатли жараён сифатида намоёиш қилиш ҳолатлари учраб туради. Масаланинг энг ачинарли, афсусланарли ва оғриқли тарафи шундаки само-суд (ўзича судлаш) жараёнлари орасида ёш қизлар иштирокининг оммалашиб бораётганлиги. Ёшларнинг бундай зарарли иллатларга тақлид қилиши, намуна олиши уларни жиноят кўчасига кириб қолишига, келажак ҳаётини барбод бўлиши ёки жамиятда ўз ўрнини топа олмаслигига сабаб бўлади.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations). Тадқиқот олиб бориш жараёнида ижтимоий муносабатларнинг моддий ва маънавий турлари, уларга медиа воситаларининг ижобий ва салбий таъсири ижтимоий фалсафий жиҳатдан таҳлил қилинди. Таҳлил натижаларига кўра ижтимоий муносабатларга медиа воситаларнинг жамиятни ривожлантирувчи, ҳаракатга келтирувчи ёки аксинча медиа воситаларидан мақсадсиз, ғаразли ниятлар йўлида фойдаланиш жамиятда тартибсизлик ва ахлоқсизлик иллатларини пайдо бўлишига сабаб бўлувчи омил эканлиги далиллар орқали ёритиб берилди.

Олинган тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб қуйидаги таклифлар ишлаб чиқилди.

1. Медиа воситаларининг ижтимоий муносабатларга кўп томонлама таъсиридан келиб чиқиб замонавий медиа воситаларининг жамиятга таъсирини тизимли равишда ўрганиб бориш механизмини ишлаб чиқиш. Натижада медианинг ижтимоий муносабатларга ижобий ва салбий тарафларини таҳлил қилиш, миллий қадрият ва анъаналарнинг сақлаб қолиш ва миллий ўзликнинг тарғиб қилинишига эришилади.

2. Миллий медиа маҳсулотларини мониторинг қилиш ва филтрлаш тизимини ишлаб чиқиш. Ахлоқсизлик, зўравонлик ва маданиятга зид контентлар ишлаб чиқарувчи блогер ва бошқаларга нисбатан маъмурий, жиноий жавобгарлик чораларини кучайтириш. Натижада аҳолининг медиа



саводхонлик даражасининг назоратга олиниши, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва ёшларнинг маънавий комилликка етишига эришилади.

3. Миллатлараро тотувликни таъминловчи, ватанпарварлик ва инсонийлик туйғуларини тарғиб қилувчи медиа маҳсулот ишлаб чиқарувчиларни моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилишини йўлга қўйиш. Натижада мамлакатда хавфсизлик ва барқарорлик муҳитининг таъминланиши, миллий қадрият ва анъаналарнинг тарғиб қилиниши ва Ватанга садоқат ҳиссини шаклланишига эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Дукин Р.А. Институт социальных медиа в региональном пространстве коммуникационных практик. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата социологических наук С.14-24. Саранск-2017. С.27.
2. Чень Ди. Социальные медиа в решении актуальных общественно-политических проблем. Диссертации на соискание ученой степени кандидата политических наук . С.12-70. Санкт-Петербург-2015. С.172.
3. Намазов Б. Файзиева М. Шарофиддинов Ш. Медиа ва ахборот саводхонлиги. Б.12-86. Тошкент-2018. “Baktria Pres” нашриёти. Б.135.
4. Белинский В.Г. Избранные статьи. С.161. Саратов-1974. Приволжское книжное издательство. С.210.
5. Волкова Л.В., Ситнова Л.И., Филатова М.Н. Социальное и межличностное взаимодействия. С.9. Москва-2022. Издательства РГУ нефти и газа С.196
6. Бердяев Н. Дух и реальность. С.345. Москва-2011. Издательства Астрель Москва. С. 669.
7. Назаров Қ. Фалсафа қомусий луғат. Б.149. Тошкент-2004. “Ўзбекистон файласуфлар миллий жамияти нашриёти” Б.495.
8. Tillahodjaeva H.S. Jurnal “Modern science and research” P.148. Tashkent-2025. P.246.
9. Соколов А.В. Общая теория социальная коммуникации. С.105-106. Санкт-Петербург-2002. Издательство Михайлова. С.232.
10. Муратова Н.Ф., Тошпулатова Н.К., Алимова Г.Б. Fake News: Дезинформация в медиа. С.31. Ташкент-2020. “Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи” Б. 105.
11. Электрон манба <https://quotlr.com/author/malcom-x> Мурожаат қилинган сана 16.12.2025. соат 15:30.
12. Электрон манба https://www.gazeta.uz/en/2025/06/17/address/?utm_source=chatgpt.com Мурожаат қилинган сана 17.12.2025. соат 21:20